



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 16 март, № 53 (5473)

Жума

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ



Юртимиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бугун халқаро жамоатчилик ҳам тан олмакда, эътироф этмокда. Худудимиздаги мавжуд тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида Умумжаҳон маданий меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани, яшарли ва янгилашни айёми — Наврўзимиз, “Катта ашула” кўшиқлари, Бойсун тумани фольклори ва “Шашмақом” Башариятнинг номоддий мерослари рўйхатидан жой олгани бунинг яққол тасдиғидир. Давлатимиз раҳбарининг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асариде бебаҳо ёдгорликларимиз куйидагича таърифланади: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошэзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутуб-

Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон бой тарихи, бетакрор анъана ва қадриятлари, гўзал табиатию меҳмондўст халқи билан сайёҳлар эътиборини доимо ўзига тортиб келган. Бу кўҳна заминга бўлган қизиқиш, айниқса, мустақиллик йилларида янада ортди, дейишга етарли асосларимиз бор. Чунки ўтган давр мобайнида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида улуг аждодларимиздан қолган маданий бойлик ҳамда ёдгорликларни қайта тиклаш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, транспорт-коммуникация тармоқларини, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини замон талаблари даражасига келтириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилиб, улкан натижаларга эришилди. Бу эзгу сайёҳаракатлар ҳозир ҳам изчил давом эттириляпти.

Фахр

хоналаримиз хазинасида сақланган минг-минглаб кўлэмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид ким-


матбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камданкам топилмади”.

Кўриниб турибдики, бизда сайёҳликни ривожлантириш имконияти жуда кенг. Бу иқтисодий тар-

моқлари фаолиятини жадаллаштириш, хоржий валютани кенг жалб қилиш, пировардида аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, кўшимча иш ўринлари ташкил этиш, шунингдек, халқаро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз 1993 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлган. “Туризм тўғрисида”ги Қонун, Президентимизнинг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони ва бошқа қатор ҳужжатлар соҳа тараққиётида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Юртимизда замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони тобора кўпайиб, уларда сервис хизмати яхшиланган бораётди. Хусусан, айни пайтда 510 та сайёҳлик оператори, 318 та меҳмонхона хўжалиги фаолият юритмокда.

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қорақалпоғистон Республикаси

“Тахياتош иссиқлик электр станцияси” очик акциядорлик жамиятидаги 4-сонли қозон агрегатида йирик таъмирлаш ишлари амалга оширилиши туфайли аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш имконияти яратилди.

Таъминот янада яхшиланади

Айни пайтда бу ерда йилига 3 миллиард квт-соатдан ортиқ электр энергияси ишлаб чиқарилмокда.

Жамиятда кўшимча қувватларнинг ўзлаштирилиши эвазига янги иш ўринлари яратилиб, Тахياتош энергетика касб-хунар коллежи битирувчиларидан 33 нафари доимий иш билан таъминланди.

Ҳ. АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Чирчиқ шаҳридаги “Орзу текс” масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун корхонага “Ўзбек — Хитой” савдо уйи орқали 313,3 минг АҚШ долларлик замонавий дастгоҳ ва ускуналар келтириб ўрнатилди.

Ташаббус меваси

35 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада 2011 йилда 260 минг донадан ортиқ кийим-кечак ишлаб чиқарилди. Эндиликда жамоа ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш борасида ҳам изланишлар олиб бормокда.

Таъкидлаш жоизки, шу каби лойиҳаларнинг ҳаётга изчил таъбиқ этилиши туфайли 2011 йилда шаҳарда умумий экспорт ҳажми 162 миллион 183 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Молия муассасаси томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит эвазига Ангор туманидаги “Усто Раҳмон” хусусий корхонасида миллий хунармандчилик буюмлари ҳамда меблик жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ангорнинг кўркам мебеллари

Саноат усулида тайёрланаётган, сифати хорижикидан асло қолишмайдиган мазкур миллий хунармандчилик маҳсулотлари қисқа фурсат ичида ўз харидорларини топти.

Ўтган йили туманда бир миллион сўмлик яқин маблағ эвазига 7 та ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. 40 нафар ёш иш билан таъминланган ушбу корхоналарда айни пайтда қурилиш ашёлари ва уй-рўзгор буюмлари тайёрланмокда.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси олдидан

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликнинг илк йиллариданоқ ўз миллий ҳуқуқий тизимини яратиш баробарида, халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олиб, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро талабларга риоя этишга тайёрлигини амалда намойн қилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон халқаро шартномалар, конвенция ва битимларга қўшилибгина қолмасдан, улар бўйича зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариш, барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар мазкур ҳужжатлар талабларига сўзсиз риоя этишининг механизмини қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйди. Энг муҳими, давлатимизнинг бу борада оғишмай амалга ошираётган сайёҳаракатлари халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътирофини топмокда.

Айни пайтда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларини миллий қонунчиликка сингдириб, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳамкорликка ҳисса қўшадиган халқаро ҳужжатларни мунтазам ратификация қилиб бормокда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ҳам ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 июлдаги “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги

қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. У миллий қонунчиликни мазкур Конвенция талаблари билан ўйунлаштиришни кўзда тутди. Эслатиб ўтамиз, мамлакатимиз 2011 йил 4 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан мазкур Конвенцияга қўшилган.

Шу ўринда Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) мамлакатимиз фуқаролари, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари учун муайян энгилликлар яратиш билан бирга, бу борада халқаро ҳамкорликни кенгайтириб, хорижий инвесторлар, бизнес доираларининг мамлакатимизда фаол иш олиб бориши учун шарт-шароит барпо қилишини алоҳида қайд этиш лозим.

Шуни таъкидлаш жоизки, април кўйилган расмий ҳужжатларни ҳеч қандай қўшимча легаллаштириш талаб қилинмайди ва улар Гаага конвенцияси иштирокчи давлатлари томонидан тан олинади. Мазкур Конвенция иштирокчилари юзга яқинлигини инобатга олсак, ушбу давлатлар ўртасида расмий ҳужжатлар юридик кучини тан олишда оддийгина април кўйиш орқали амалга ошириш етарли ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Суғурта хизмати:

Ишончли ҳимоя ва кафолат

«Ўзбекивест» компаниясида “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган Суғурта маркази ва бир қатор янги хизмат турларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимот

Президентимизнинг жорий йил 27 февралда қабул қилинган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарориде жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила

институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб бори-

лаётган барча ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

Илғор тажрибалар майдони

Самарқанд шаҳрида вилоятдаги йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди.

Ярмарка

Мазкур тадбир жорий йилнинг 23-27 октябрь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, кейинги йилларда вилоят-

да иқтисодийнинг етакчи тармоқлари, хусусан, саноат тобора ривожланиб бораёпти. Бунда анъанавий ўтказиби келинаётган саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг хизмати катта, албатта. Нега деганда, у саноат корхоналари билан тадбиркорларнинг ҳамкорлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш

субъектлари ўртасида ички ва тармоқлараро саноат кооперациясини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмокда.

Бу галги ярмаркада шу ҳудудда фаолият кўрсатаётган 150 дан зиёд саноат корхоналари ўзларининг қарийб минг турдаги маҳсулотлари билан иштирок этди. Уларнинг аксарияти маҳаллий хом ашёдан тайёрланган импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп эканлиги алоҳида эътиборга моликдир.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Президентимиз Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вази́рлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчанин доимий эътиборида турмоғи лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

«Устоз — шогирд» анъанаси — улуг қадрият

Бухорода шу мавзуда илмий-амалий конференция ўтказилди.

Бу, кўп жиҳатдан, “Устоз — шогирд” тизимининг самарали фаолиятига боғлиқ. Ана шуни ҳисобга олган Ўзбекистон Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши Бухоро вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда “Устоз — шогирд” анъанаси — улуг қадрият” мавзуда илмий-амалий конференция ўтказди.

Айтиш жоизки, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш бўйича вилоятда муайян тажриба тўпланган. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ўртасида 2012 — 2014 йиллар учун ҳамкорлик келишуви тузилган. Унга кўра, коллеж ўқувчиларига меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллари ва бошқа шарт-шароитлар борасида қўшимча имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Бугунги кунга қадар коллежларни битираётган ўқувчиларнинг 26 минг 341 нафари учун 9742 та корхона ва ташкилот билан шерикчилик шартномалари тузилгани ҳам эътиборлидир.

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУЛИКДАН ЯШНАГАЙ ЗАМИН

Эргашали оқсоқол Чилустун ва Сулаймон тоғларига туташ Имомота қир-адирларининг юқори қисмида яшайди. Кўкламда унинг чорбоғидан кўм-кўк майсалар билан қопланган Хўжаобод кенгликлари бутун буй-басти билан кўзга ташланади.

Наврўз шуқуҳи

Ҳозир худди шу қишлоқнинг фойзли Тошота маҳалласини кесиб ўтувчи ариқлардан тоғ бўлогидан сизиб чиққан обихаёт шарқираб оқмокда.

— Сувимиз шифобахш хусусиятларга эга, — дейди Эргашали оқсоқол. — Ихлос билан бир ҳафта

ичсангиз, танангиздаги унча-мунча хасталиқдан асар қолмайди. Рухингиз тетик тортиб, куч-гайратга тўлгандек ҳис этасиз ўзингизни.

Тошоталиқлар кўкламни ана шу чашмалар кўзини очиб билан бошлашади. Эрта баҳорда Манак қишлоғи кенгликларига обихаёт

улашаётган сув йўллари, ирмоқлар равланлашса, кўнги тўқ бўлади-да.

Етмиш тўрт ёшли Ҳимоят момо келинлари, невараларини ёнига олиб ялпизлар билан безанган анҳор бўйига ошиқади. Боғлар бағрида буй кўрсатган исмаёлдан териб, кўксомсаю кўкчучурага уннайди.

(Давоми 4-бетда).

Аҳоли бандлиги таъминланмокда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан,

967 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмокда.

Шундан 600 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилиши белгиланган бўлиб, бунга жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхоналар билан меҳнат шартномалари асосида касаначиликни йўлга қўйиш, шунингдек, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали эришилади.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бу, табиийки, давлатлар ўртасида расмий ҳужжатларнинг юридик кучини тан олишда ортиқча расмийликларга барҳам беради.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан юқорида номи зикр этилган Конвенция талабларига уйғунлаштириш мақсадида мамлакатимизнинг Фуқаролик кодексига апо-стил қўйилган расмий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳақиқий ҳисоб-лашничи назарда тутилган қоида киритилмоқда. Шунингдек, ушбу норма “Нодавлат нотихорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Солиқ кодексига ҳам киритилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш жараёнида тартиб-таомилларнинг соддалашувини таъминлашда, шунингдек, давлатлар ўртасидаги соҳага оид муносабатларнинг ягона тарзда тартибга солинишида муҳим аҳамият касб этади.

Р. ҚҮРБОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Тадбир

Пойтахтимизда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Ўзбекистон нодавлат нотихорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Адлия вазирлиги ҳамкорлигида “Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўни” муносабати билан давра суҳбати ўтказилди. Нодавлат нотихорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролига бағишланган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, вазирликлар ва давлат қўмиталари, жамоат ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ

ислохотларнинг ҳозирги босқичида муҳим аҳамият касб этмоқда

Давра суҳбатида таъкидланганидек, мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза-лашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда мазкур федерация томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни талаблари ижроси изчил назорат этиб борилмоқда.

— Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизми яратилган, — дейди Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси матбуот ва ахборот бўлими бошлиғи Умид Мансурова. — Шу мақсадда давлат ва жамоат ташкилотлари билан иш юритишнинг янги услублари бўйича аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳозирги пайтда амалиётга изчил татбиқ этил-

моқда. Соҳага оид қонунчилик ижроси мунтазам ўрганилиб, таҳлил қилиб борилаётгани ҳам муваффақиятлар омили бўлапти. Буни ўтган йилги натижалар ҳам тасдиқлайди. Яъни 2011 йили федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига 9500 дан зиёд шикоят ва аризалар келиб тушган, муҳими, уларнинг 95 фоизга яқини истеъмолчилар фойдасига ҳал этилган.

Тадбирда юртимизда нодавлат нотихорат ташкилотлари учун яратиб берилаётган имкониятлар ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнидаги иштироки хусусида ҳам сўз юритилди. Қатнашчилар томонидан алоҳида эътироф этилганидек, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотихорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши, уларнинг ижти-

момий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда.

Шунингдек, давра суҳбатида Юртбошимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифалар ижросига тўхталиб ўтилди. Хусусан, “учинчи сектор”нинг қонунчилик асосини бугунги кун талаблари даражасида тақомиллаштириш, шу мақсадда нодавлат нотихорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида ахборот берилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан семинар ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни устувор вазифаларига бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, фуқаролик жамияти институтлари, мутахассислар, экспертлар, Андижон ва Сирдарё вилоятларидан келган ёш журналистлар қатнашди.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

оммавий ахборот воситалари фаолиятини тақомиллаштиришда катта ўрин тутати

Унда истиқлол йилларида юртимизда соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилгани, бунинг учун зарур ҳуқуқий-ташкилий асослар яратилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда қайд этилганидек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида белгилаб берилган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш долзарб аҳамиятга эгадир. Зеро, мазкур дастуриямал ҳужжатда илгари сурилган гоҳ ҳамда тақ-

лифларда миллий медиа-мақоми тубдан ислоҳ этиш учун қатор қўлайликлар, имтиёзлар ва преференциялар бериш, унинг фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш ўз ифодасини топган.

— Мустақиллик йилларида ахборот соҳасини демократлаштириш, IT-технологияларини барча соҳа ва тармоқларга татбиқ этиш ҳамда ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар рўйбга чиқарилди, — деди қўмита аъзоси Д. Холқова. — Мазкур жараён эса соҳа равнақи учун янги уфқларни очишга хизмат қилмоқ-

да. Бу йўлда, энг аввало, ахборот излаш, олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш, ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг очқолиги, шаффоқлигини таъминлаш бўйича мустақим қонунчилик базаси яратилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда миллий ахборот ресурсларидан унумли фойдаланиш, масс-медиа соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, интернет-таҳриятларини ривожлантириш бўйича илгор хорижий тажрибани қўллаш зарурлиги эътибор қаратилди.

С. МАХСУМОВ.

«Устоз — шогирд» аънанаси — улўф қадрият»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Анжуманда сўз олганлар олий ўқув юртида ҳамда касб-хунар коллежларида “Устоз — шогирд” тизимини тақомиллаштириш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, уларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан тақлим ва мулоҳазаларни ўртага ташлади.

Анжуман доирасида, шунингдек, Наврўз байрамга бағишланган “Устоз — шогирд учрашуви” деб номланган

маданий-маърифий тадбир ҳам бўлиб ўтди. Унда Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик-техника институти талабалари, бир қатор касб-хунар коллежлари битирувчилари, устоз-мураббийлар қатнашиб, ўзаро тажриба алмашди. Ёш хунармандлар кўргазмаси, янги модалар намойиши, она-Ватани мадҳ этувчи дилрабо куй-қўшиқлар даврга ўзгача файз бағишлади.

Истом ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Суғурта хизмати:

Ишончли ҳимоя ва кафолат

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кўп тармоқли “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида ҳам давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, янги ҳудудий тармоқларни ташкил этиш, тақдим қилинаётган хизматлар тури ва сифатини ошириш борасида самарали излашлар олиб борилмоқда. Соҳада сўнгги йилларда ахборот технологиялари янада кенгроқ жорий этилаётгани, интернет орқали суғурталашни ривожлантириш ва “SMS-To’lov” тизими шакллантирилганлиги бунга ёрқин мисолдир.

— Республикаимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда, — дейди “Ўзбекинвест” ЭИМСК бош директори ўринбосари Жамшид Ризаев. — Ҳозирги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида жамаи 37

та суғурта компанияси фаолият кўрсатмоқда. Суғурта компанияларининг ҳудудий бўлимлари сони 959 тага етди. Бугун соҳада 12 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. Ўтган йили суғурта компаниялари томонидан 2010 йилдаги ҳисобат нисбатан 36,6 фоиз кўп — 231,6 миллиард сўм миқдорда суғурта муқофотлари йиғилди. Тўланган суғурта товоғлари ҳажми эса 45 миллиард сўмни ташкил этди.

“Ўзбекинвест” компаниясида оилаларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган суғурта хизматлари қўлами ва сифатини ошириш, шунингдек, республикамизнинг олис қишлоқ жойларида суғурта хизматларини яхшироқ йўлга қўйиш мақсадида Суғурта маркази ташкил этилди.

— Давлат дастурида биз, суғурта ташкилотлари ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият

ОИЛА МАЪНАВИЯТИ — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Инсон оила аталмиш азиз ва муқаддас гўшада камол топади. Шу боис бугун юртимизда оила кўргонининг мустаҳкамлигини таъминлаш, унинг бағрида униб-ўсайтган фарзандларни юксак маънавий ғазиллар эгаси этиб тарбиялаш учун муносиб шарт-шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётди.

■ Бевоисита мулоқот

Кеча пойтахтимизда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган онлайн мулоқот чоғида ҳам айтилган мазмундаги фикр-мулоҳазалар билдирилди. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида белги-ланган вазифаларга мувофиқ ташкил этилган мазкур тадбир “Оила — ёшлар нигоҳида” деб номланди. Унда экспертлар, Ҳаракат фаоллари, таниқли санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан интернет орқали мулоқотга киришган ёшлар оила психологияси, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ саволлар билан экспертларга муурожаат қилишди. Бундан ташқари, онлайн мулоқотга хорижий мамлакатларда тахсил олаётган юздан зиёд талаба йигит-қизлар ҳам қўшилди.

— Бу каби маънавий-маърифий тадбирлар ёшларимиз қалбида миллий ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром ҳиссини янада кучайтириш, қолаверса, уларни ёт гоғлар таъсиридан ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, лойиҳа координатори Феруза Муҳаммадзонова. —

Барчага маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйлаб интернет тармоғидан фойдаланувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигини афғалади. Шундай бўлапти ҳам. Бугун ёшларимиз учун панд-насиҳат, маърузабозлик тарзидаги зерикарли тадбирлар эмас, уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос, ноъанавий услублар воситасида суҳбат, мулоқот ва савол-жавоб кечалари ташкил этилмоқда. Ҳаракатнинг навбатдаги ижтимоий лойиҳаси ҳам ана шундай амалий саъй-ҳаракатлар сирасидандир.

Мазкур туркум лойиҳа жорий йилнинг апрель ойи сўнгига қадар давом этиши кўзда тутилган бўлиб, онлайн мулоқотлар ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари ўтказилади. Навбатдаги тадбирларга шифокор ва психологлар, “Оила” илмий-амалий маркази мутахассислари, шунингдек, машҳур спортчилар ҳамда халқаро танловларда голиб бўлган истеъдодли ёшларнинг ота-оналари тақлим этилиши режалаштирилган.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Самарқанд автомобил заводининг автобус ва юк машиналари, енгил саноят корхоналарининг тайёр трикотаж буюмлари, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари шулар сирасига киради.

Илгор тажрибалар майдони

— Корхонаимизда замонавий технология асосида ишлаб чиқарилаётган беш турдаги профил том қопламалари, профнастил ва черепицаларни ярмаркада намойиш қилдик, — дейди Ургант туманидаги “Zilol klassik servis” қўшма корхонаси раҳбари Фиёс Ҳўжамуродов. — Уларнинг сифати юқорилиги боис ички бозорда талаб тобора ортиб бораёпти. Биргина 2011 йилда харидорларга 3 миллиард сўмлик қурилиш материаллари etkазиб берилгани бунинг исботидир. Ярмарка давомида эса қўллаб қурилиш ташкилотларидан бюрут-малар олиб, ўзимиз ҳам бир қатор корхоналар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйдик.

Ҳудудий саноят ярмаркаси ва кооперация биржасининг барча иштирокчилари ўзаро ҳамкорлик юзасидан қўллаб-қувватлов шартномалар имзолашди.

Ярмарка доирасида саноят корхоналари раҳбарлари ва кичик бизнес субъектлари, ишлаб чиқарувчилар иштирокчида ўқув-семинар ўтказилгани уни илгор тажриба ва иқтисодий алоқаларнинг чинакам майдониға айлантирди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2011 — 2012 йиллар даврида туризм соҳасини ривожлантириш ва мамлакат барча минтақаларининг туристик хизматлари экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қабул қилинган дастурларга асосан, жорий йил охирига қадар яна бир қанча меҳмонхоналар, шунингдек, сайёҳларга сервис хизмати кўрсатиладиган кўплаб объектлар барпо этиш, янги автобус ва микроавтобуслар харид қилиш ҳамда шу каби қатор вазифаларни рўйбга чиқариш режалаштирилган.

Демак, туризм йўналишида имкониятларимиз янада кенгайarkan, бу соҳа учун малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ҳам ортади. Ҳозир мамлакатимиздаги 5 та олий таълим муассасаси ва 7 та касб-хунар коллежиде мазкур йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда. Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежи — шулардан бири. Ушбу таълим даргоҳини бугун нафақат юртимизда, балки дунёнинг ўндан ортиқ давлатларида ҳам яхши билишди, десак, муволафа қилганам бўлаемиз. Хабарингиз бор, жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда “Юксак билим ва интеллектлар бил-

вожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди. Узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон



ёрқин истеъдоди, хорижий тилларда бемалол сузлаша олиш қобилияти уларнинг келажаги янада порлоқ эканлигининг яққол тасдиғидир, — дейди ўз таассуротларини ўртоқлашаркан Ист Англия университетининг Лондондаги бўлими декани Ричард Харви. — Бу, албатта, Президент Ислам Каримов бошчилигида ҳаётга татбиқ этилган миллий таъ-

сўз юрмасак. Ушбу таълим масканида меҳмонхона ва ресторани хизматлари менежери, ошпаз, туристик хизматлар ташкилотчиси ҳамда бухгалтер каби тўртта йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Бугун бу ерда 914 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Уларга 56 нафар юқори малакали ўқитувчи, шу жумладан, 8 нафар ишлаб чиқариш устаси сабоқ бермоқда.

хона хўжалиги касб-хунар коллежи директори Рўзимурод Ғоипов. — 21 таълим ва махсус фан хоналари, 2 та компьютер хонаси, 4 та ўқув-амалиёт устaxonаси, спорт зали, энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази ёшлар иштиёрида. “Корхона — коллеж” ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини бўлғуси иш жойида ўташни ташкил этиш ва ишга киришини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Мисол учун, ўқувчиларимиз ишлаб чиқариш амалиётини пойтахтимиздаги 150 га яқин умумий овқатланиш корхоналарида ўтказишмоқда. Битирувчиларимиздан бир қанчаси бугун юртимиздаги нуфузли меҳмонхоналар, рестороанларда ўз меҳнат фаолиятларини олиб боришмоқда.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДӨВ оғзин суратлар.

САЛОҲИЯТЛАР КАДРЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ

тажрибасини ўрганишга бағишланган ушбу нуфузли анжуман доирасида меҳмонлар умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртиларида ҳам бўлиб, ёшларнинг билим олиши учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Хорижийларда катта таассурот қолдирган ана шундай масканлардан бири айнан Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежидир. Бу даргоҳни ўндан ортиқ давлатда яхши билишди, дейишимизнинг боиси аслида шунда.

Коллежда яратилган имкониятлар Буюк Британия, Испания, Греция, Бельгия, Малайзия, Иордания каби бир қатор мамлакатлар таълим тизими вакилларининг ҳавасини келтирди. Айниқса, ёшларнинг соҳага оид билимларни чуқур эгаллаётганликлари, таржимонга эҳтиёж сезмасдан, ўз фикрларини тўрт-беш тилда эмин-эркин ифода этганликлари меҳмонларнинг катта қизиқишга сабаб бўлди. Муҳими, ушбу таълим ўз келажакини туризм, хизмат кўрсатиш ва

сервис соҳаси билан боғлаш ниятидаги ўғил-қизлар учун чинакам амалиёт вазифасини ўтаб берди. Масалан, меҳмонларни халқимизга хос лутф ила қутиб олишдан тортиб, ўзбекона дастурхонга тақлим этишгага бўлган жараён юксак дид ва маҳорат ила уддаланди. Таомларни тайёрлаш технологияси, шунингдек, тарихий шахарларимиз, туристик йўналишлар, фанларга оид берилган саволларга ҳам ўқувчилар тез, аниқ ва пухта жавоб қайтаришди.

— Ўзбекистон фарзандларининг интилувчанлиги,

лим моделининг самаралари билан боғлиқ. Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежиде халқингиз маданияти, урф-одати, миллий таомлари ҳақида кенг тушунчага эга бўлдик. Туризмни ривожлантириш йўлида ўз олдиға юксак мақсадларни қўйган Ўзбекистон мана шундай билим-ли, заковатли кадрлар салоҳиятидан фойдаланиб, янгидан-янги марраларни забт этишиға ишончим комил.

Шу ўринда коллеждаги шароитлар ҳақида қисқача



«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»

МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
жамоаси

Барча юртдошларимизни янгиликнинг
ва навқиронлик рамзи, бунёдкорлик
ва яратувчилик байрами —

Наврўзи салам

билан
чин қилдан қўтлайди!

Хар бир хонадонга
тинчлик-тотувлик, фрайзу
барока, тўқин-сочинлик
ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

«Ўздавнефтгазинспекция» жамоаси

бунёдкор халқимизни эзгулик байрами

— Наврўз айёми

билан сатимий туборакбод этади!

Чехрангиз хатиша баҳор қуёшидай
гарозон, кайфиятингиз доимо кўтаринки
бўлишини истаймиз!

Баргана тинчлик-хотиржамлик,
муштаҳкам соғлиқ,
омонлик шилаймиз!

Байрамингиз
қўтмиш бўлсин!

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖСК-1-55-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Караван Холдинг» тизимидаги «Stroygorod» ЁАЖ УМ, «Концерн Карвон Стройгород» МЧЖ, «СЖ Сервис» МЧЖ, «Фаст Фуд» МЧЖ, «Стройгород Медиа» МЧЖ, «Стройгород Имкон» МЧЖ, «СЖ Проект Мастер» МЧЖ, «Карвон Сторож» МЧЖ, «СЖ Хизматчи» МЧЖ, «СЖ Хоме Депот» МЧЖ, «СЖ Промстрой Материал» МЧЖ, «Стройгород Экспресс» МЧЖ, «Стройгород Ютук» МЧЖ, «Сарбон экспресс» МЧЖ, «Элите Бизнес» МЧЖга тегишли мол-мулклар арзонлаштирилиб, жамланма сифатида такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 14 587 478 315 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 2 апрель кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 30 март кuni соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52.
Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАВОЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида
ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан, Кармана ТФИБСнинг 2011 йил 16 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Навоий шаҳри, 4-даха, Абдурахмонов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 675.80 кв.м., ишчи майдони 170.51 кв.м., умумий майдони 240.92 кв.м. бўлган, 16 хонадан иборат чойхона биноси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 16 апрель кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига

чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 13 апрель кuni соат 18.00.

Мазкур савдога қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкни бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.
Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.
Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«Вихоро mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич
охиб бориш тартибида ўтказиладиган
очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан, Бухоро вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги 20-1102/17023-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «Бухоро — Навоий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш, фойдаланиш» давлат корхонасига тегишли, Бухоро шаҳри, А. Шнейдер кўчаси, 8-уйда сақланаётган куйидаги техника воситалари кўйилмоқда:

1. «Р0ВЕХ-170W-7» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 1750 ЕЛ бўлган экскаватор.
Бошланғич баҳоси — 182 000 000 сўм.
2. «ВW-161АД-4» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 1681 ЕЛ бўлган каток.
Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.
3. «ВW-27RH» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 1682 ЕЛ бўлган каток.

Бошланғич баҳоси — 219 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 19 апрель кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган техника воситалари билан Бухоро шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 17 апрель кuni соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Вихоро mulk markazi» МЧЖнинг «Турон» банки Бухоро филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800090492748002, МФО: 00111, СТИР: 302127400.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Муштақиллик кўчаси, 10-уй.
Телефонлар: (8-365) 223-71-30, 223-71-36.
Расмий сайтими: www.rfm.uz

Лицензия: RR-0001.

Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради. Кўрсатилаётган хизматлар «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини қафолаётимиз.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

Эргашали ота эса бу йилги кўкларнинг ўлка-мизга серобчилик, маъмурлик, кут-барака олиб келувчи ёгин-сочинини тинмай мактайди. Отанинг айтишича, тош-ша-

кўклар таомларини Хўжабод марказида истикомат қиладиган қизи Моҳинисо ҳам отага илиниб олиб келибди. У мамлакатимизнинг барча шаҳарлари, туманларида бўлгани каби Хўжабод-да ҳам азалий ва боқий

қирқишлоқда 320 ўринли мактаб биноси қуриб битказилгани эса айни муддао бўлди. Наврўз арафасида тадбиркор Равшанбек Абдуазимов маиший хизмат уйини қайта таъмирлаб, тикувчилик цехи фаоли-

ЭЗГУЛИКДАН ЯШНАГАЙ ЗАМИН

галли, сариқ-сапалағу қорамтир ерлар куз ўртасидан то ҳозирга қадар сувга тўйинган. Ерлар ҳалим бўлган. Энди экинлар яйраб-яйраб ривожланади. Богроғлар шигил-шигил мева тугади.

...Уфқ ёмғирдан кейин пайдо бўлган рангин камалак нуридан товланди. Бўғотларда кўниб турган мусичалар патларини хурпайтирганча бир-бирларига сарафроз айта бошлашди. Ҳадемай бу ерлар ўз ошёни, тинч ва осойишта осмонини соғиниб қайтган беозор қалдирғочлар чуғурига тўлади. Ушанда момоларимиз толпопук таққан қизалоқларнинг қулғини тешиб, зирак тақишга шошадилар. Бу Наврўздан — Янги кундан дарак.

Айём кунлари кўни-кўшни, бола-бақрага кўксомса, ҳалим, сумалак улашилганида яна ҳам завқланиб кетади, одам. Баҳорнинг бу хушташ неъматларини Эргашали оқсоқол ҳам суйиб тановул қилади. Тану жонига хузур бағишлайдиган, димоғини чоғ қилиб юборадиган

Наврўз ярқираган кўшкаватли бинолар, кенгайган равон йўллар, чирой очган бог-роғлар билан кутиб олинаётганидан суюнади:

— Наврўздаги асосий тантаналар бўлиб ўтadиган маданият ва истироҳат боғимиз шу кунларда гул-гул очилиб кетди. Боғда янги кураш майдони барпо этилди. Амфитеатр қуриб битказилди.

Тумандаги Фақирқишлоқ, Янги чек маҳаллаларини айтмайсизми? Бу ерда байрам арафаси намунавий лойиҳага кўра бунёд этилган 30 та уйнинг қалити эгаларига топширилди. Худуддаги “Буюм бозори” эса янгитдан барпо этилди. “Дилқушод” қишлоқ ситхатгоҳи, “Имомота” қишлоқ врачлик пункти тубдан таъмирланиб, замонавий тус олди. Фа-

ятини йўлга қўйди. Хуллас, сеvimли байрам бири-бирдан эзгу тағабуслар, янги орзулар, улкан режалар билан кутиб олинмоқда.

Аслида, Имомота кенгликларидagi Тошота қишлоғига кўклар ўн-ўн беш кун кечикиб келади. Бироқ эрқа қуёш баҳор насимларини елгиғич қилганча Эргашали ота чорбоғини, чорбоғ пойидаги пасту баландликларни илиқ нурга чўмилтиргач, ушбу сўлим гўша бир зумда лоллақизғалдоқлар рангидан ловуллаб кетади. Ушанда пайтда Эргашали ота жажжи жужукларини етаклаб, шудринг тушган майсалар устида ялангоёқ кезишни хуш кўради. Ҳаял ўтмай бу кенгликлар шафтолининг напармон гуллари билан безанади.

Эргашали ота сингари нурунийлар ёшлигини топиб олгандай бўлади, онахонлар ўғил-қизлари, келинлари набиралари кўлидан чўгдек лолаларни олиб, ширингина энтикиб кўядилар. Юртимизда тўйлар бўлсин, байрамлар бўлсин, деб дуога кўл очилади. Зотан, баҳор айёми — Наврўзи оламни мана шундай кўтаринкилик, қувонч ва шодийна билан кенг нишонлаймиз.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик

Пойтахтимизда замонавий япон фильмлари кунлари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллиғига бағишланган ушбу тадбир “Ўзбекино” Миллий агентлиги, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Япония фонди ҳамда мазкур давлатнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кунчиқар юрт фильмлари

Анжуманининг очилишида сўзга чиққанлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик маданият ва санъат йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида эътироф этиди.

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларданок Япония билан мамлакатимиз ўртасида ижтимоий-

иқтисодий, фан, маданият ва санъат соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Икки давлат кинематографлари ҳамкорлиги эса ушбу маданий алоқаларнинг узвий қисмидир. Бир неча йиллардан буён икки мамлакат ижодкорлари Ўзбекистон ва Японияда ўтказилаётган кинофестивалларда мунтазам иштирок этиб кела-

ётгани фикримиз далилидир.

Кино анжуманида Кунчиқар юрт кино усталари томонидан суратга олинган турли жанрлардаги “Ванко — мен, оилам ва итим ҳақида ҳикоя”, “Гибискус меҳмонхонаси”, “Онанинг энг қисқа мактуби”, “Дора Хэйта” фильмлари намойиш этилмоқда.

Мухтасар КАРИМОВА.

Маҳалла — тарбия маскани

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида Мустаҳкам оила йилида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган вазифаларга бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинар

Унда таъкидланганидек, жорий йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши маҳалла фуқаролар йиғинлари зиммасига катта масъулият юклайди. Жамиятнинг асоси бўлган оила мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг манфаатларини химоя қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол вояга етишида маҳалланинг аҳамияти катта.

Тадбир давомида иштирокчилар тумандаги Фафур Фулом маҳалласи, “Наврўз” шаҳарчаси ва “Истиқлол” қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Улуғбек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мухтасар КАРИМОВА.



СўЗ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СўЗ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-88, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ОБ-ҲАВО

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида

Бухоро ва Навоий вилоятларида

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

Тошкент шаҳрида

(16 март)

-3 +2 +5 +10

+2 +7 +10 +15

+2 +7 +10 +15

+5 +10 +14 +19

+2 +7 +10 +15

+5 +7 +10

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — М. Хошматова. Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

Ўзбекистон халқини баҳор ва янгиликни байрами бўлмиш Наврўз билан қутлаймиз!
Барчага бахт, сиҳат-саломатлик ва равнақ тилаймиз!

Infin BANK

НАВОЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ КҮП МИНГ КИШИЛИК ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини ўйзонини ва янгиликни айёми —

Наврўзи олам билан сатимий қутлайди!

Наврўзи олам халқимизнинг қалбига яқинлиги, чирбоқий ақъалларимиз ва урф-одадларимизни ўзида мўжассам этганини билан ҳаётимизда алоҳида ўрин тўтади. Шу боисдан уни илтизорлик билан кўтатиш ҳамда шоду хушроқлик билан нишонлаймиз. Наврўзини мўборак бўлсин, азиз юртиндошлар! Хонадонларимиздан тинчлик-тоқиблик, қут-барака, фаровонлик аринасин!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 февралдаги 33-сонли ва Фанлар академияси Ҳайъатининг 2012 йил 8 февралдаги ПХ-2/1-сонли қарорларига асосан, **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физиология ва биофизика институти** (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2000 йил 9 мартдаги FN 019893-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган) тугатилади. Давловлар эълон газетанда чоп этилган санадан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, А. Ниёзов кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99871) 246-94-12.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Sifat” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази жамоаси Андижон “Сифат” худудий лаборатория бошлиғи ўринбосари Шуҳратбек Мамадалиевага падали бузруквори Пўлатбек МАМАДАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент архитектура-қурилиш институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси кўмитаси Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш кафедраси доценти Нодиржон Ортиқовга падали бузруквори Ёқубжон ОРТИҚОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.